



ИНКОРНИ ИФОДАЛОВЧИ ИНТЕРНАЦИОНАЛ ВОСИТАЛАР

А.Нурмухамедов СамДУ доценти
А.А.Хасанов СамДУ катта ўқитувчиси

Калит сўзлар: инкор шакли, универсал восита, немис тилида инкорни ифодаловчи лексемалар, дегазация, деструкция, демонстрация.

Илм аҳлига инкор категорияси, аввало, фалсафий тушунча сифатида қадимдан маълум. Ушбу категорияга ўз муносабатини билдирмаган бирорта файласуфни топиш мушкул. Зеро, инкор ҳодисаси фалсафанинг ўзак (ўк) томирларидан, тушунчаларидан бири эканлиги ҳамма замонларда қайта-қайта таъкидланган. Фалсафада инкор ҳодисаси абстракт тушунча сифатида таъриф тавсиф этилиб, сўнгра ҳаётда, табиатда содир бўладиган тадрижий ўзгаришлар асосида (масалан: бугдой донининг экилиб ўсимлик шаклига ўтиши ва, ниҳоят, бошоқнинг дон шаклида қайта намоён бўлиши жараёни мисолида) баён этилган.

Аммо грамматикада, яъни тил қурилиши ҳақидаги таълимотда, инкор ҳодисаси ўзининг ёрқин ифода воситаларига эга эканлиги билан яққол кўзга ташланади ва ўз ифодасини топади. Таъкидлаш жоизки, инкор ҳодисасини, инкор категориясини тилшунослик нуқтаи назаридан тадқиқ ва таҳлил этиш анъанаси узоқ тарихга бориб тақалади.

Бир қатор ҳинд-европа тилларида бўлгани каби ҳозирги замон немис тилида тасдиқ ҳодисаси ҳеч қандай кўрсаткич воситаларига эга бўлмаганидек, тасдиқни ифодаловчи махсус тил воситаларига ҳам эга эмас. Немис тили у ёки бу даражада грамматика доирасига ўтган ва инкорни ифодаловчи тил воситаларига эга.

Инкорни ифодалаш муаммоси синтаксиснинг жуда кам ўрганилган, таҳлил этилган соҳалари сирасига киради. Грамматик категория ҳисобланган **инкор** тил амалиётида яхши маълум бўлса-да, бироқ аниқ таъриф бериш қийин ҳодиса ҳисобланади. Немис тилидаги инкор ҳодисаси билан Ҳ.Паул, О.Беҳагел,

В.Вайс, В.Хартунг, Ё.Эрбин, Дуден, С.А.Васильева, Н.А.Булах, А.М.Пешковский, Панамарьева, Е.И.Шендельс каби атоқли тилшунослар шуғулланишган.

Мазкур муаммо билан шуғулланган тилшуносларнинг яқдиллик билан чиқарган хулосаларига кўра, **инкор** ҳам сўз бирикмаси, ҳам синтаксисга хос категория ҳисобланади. Зеро, турли инкор воситалари ёрдамида турли даражада натижаларга эришиш мумкин. Тадқиқотчиларнинг барчаси эътироф этишганидек, немис тилида инкорни ифодаловчи у н и в е р с а л восита, **nicht** лексемаси ҳисобланади. Чунки у тўласинча қўшимча лексик маънолардан ҳоли бўлиб, гапда исталган гап бўлагига тааллуқли бўлиши мумкин. Агар **nicht** феъл (кесим) ни инкор этса, у ҳолда тўлиқ ифода этилади. Гарчи у гапдаги бирор гап бўлагини инкор этгудек бўлса, унда инкор, қисман инкор деб аталади.

Масалан: ***Er kommt nicht. Er kommt nicht allein. Nicht er kommt, sondern sein Bruder. Alle seine Söhne sind nicht verheiratet. Nicht alle seine Söhne sind verheiratet.***

Атоқли германист-тилшунос Е.И.Шендельс мазкур инкор юкламасининг беш ҳолатда, яъни субъект, ҳаракат номи, объект, аниқловчи ва равишлардан олдин қўлланилиши хусусида кенг маълумот берган. (Е.И.Шендельс, Deutsche Grammatik, М., Высшая школа, 1988, с.274-275).

Барча тилларда мавжуд сўзлар морфологик нуқтаи назардан тасниф (классификация) қилинади, яъни сўз туркумларига ажратилади. Бироқ инкор воситалари сўз туркуми сифатида шу



пайтгача эътироф этиб келинаётган сўз туркумлари каторидан ўзининг қатъий ўрнини эгалламаган. Биз инкор сўзларни ё олмош, ё равиш каби сўз туркумлари сирасига кирувчи элемент, лексик бирликлар тарзида қўлланилиши ҳақидаги фикр-мулоҳазаларни учратамиз. Ҳатто **nicht** инкор сўзининг инкор юклама сифатида қўлланилиши хусусида тадқиқотчиларнинг яқдиллигига гувоҳ бўламиз.

Инкор сўзлар (воситалар)нинг лексик-семантик қўлланилиши, сўз ясовчи воситалар сифатидаги хусусиятлари, гап ва ясама сўзлардаги ўрнига кўра, ҳамда келиб чиқиши жиҳатидан турли-туман гуруҳларга мансублигини кўраамиз.

Масалан, ҳозирги немис тилида инкорни ифодаловчи сўзларни икки гуруҳга бўлиш мумкинлигини таъкидлаш лозим. Биринчидан, соф немисча инкор сўзлар (**nicht, nein, kein, nie, niemand** каби олмош ва равишлар), иккинчидан, **a-, de-, re-** каби интернационал инкор юкламалар, бошқача айтганда, префикслар.

Инкор юкламалари, аввало, сўз ясовчи восита сифатида намоён бўлади, тилнинг сўз бойлигини орттирувчи восита ҳисобланади. Масалан: **авитаминоз, азот, алогизм, аморализм, ангидрид; дегазация, дезинфекция, дезинформация, дезинтеграция, деквалификация, деноминация, деструкция, деформация, децентрализация; реакция, реконструкция, ремилитаризация, реорганизация, репродукция, реэкспорт, реэмиграция ва ҳ.к.**

Қуйида биз ҳозирги немис тилида амалда қўлланилиб келинаётган **a-, de-, re-** каби инкор юкламалари воситасида ҳосил бўлган ясама сўзлар борасидаги фикр-мулоҳазаларимизни баён қиламиз ва уларнинг ўзбек тилида ифодаланиш усулларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Мазкур инкор воситалари ҳар доим ясама сўзлар таркибида ўзларининг қатъий ўрнига эгалиги билан характерланади. Улар ҳамини сўз бошида келади. Уларни ҳам бошқа инкор воситалари каби ҳар

доим ясама сўз таркибидан ажратиб бўлмайди. Зеро, шундай сўзлар борки, уларни мутлақ ясама сўзлар каторига қўшиб бўлмайди. Масалан: **дегазация, деструкция, демонстрация.**

“**A...**” инкор юкламаси. У ҳар доим ҳосил бўладиган ясама сўзнинг бошида муқим ўринда туради. Масалан: **азот, алогизм, аморализм, анормал** (рангсиз газ, мантиқсизлик, ахлоқсизлик, меъёрсиз) каби. “**A...**” инкор юкламаси бир қатор инкор маъносига эга бўлган ясама сўзлар, айниқса улар унли ҳарфлар билан бошланган бўлса, **an-** префикси, аниқроғи **an-** инкор юкламаси шаклида қўлланилади. Масалан: **анамини, анамиоти, анастигмат, анаэробы, ангидрид, анемия, анергия, анортит, анофтальм, анурия** каби сўзлар бунга мисол бўла олади.

Луғатда қайд этилишича, **de-** префикси (олд қўшимча) бўлиб, икки маънони ифодалайди:

а) (бирор нарсани бошқасидан) ажратиш (отделение), узоклаштириш (удаление), бекор қилиш маъносини; б) паст томонга йўналтирилган ҳаракат; камайтириш маъносини ифодалайди. Масалан: **деаэрация** (эриб кетган газни суюқлик таркибидан ҳайдаш, йўқотиш); **дегазация** жойларни, кийимларни, қуролларни зарарсизлантириш учун заҳарли газларни йўқотиш бўйича чоратадбирлар; **дегельментизация, дегидрогенизация, дегуммирование;**

De- приставкаси кўпинча унли билан бошланувчи сўзлар билан бирикканда одатда **dez-** шаклида қўлланилади ва **de-** приставкаси қандай маъноларни ифодаласа, шундай маъноларни ифодалайди. Масалан: **дезаминирование, дезинфекция, дезинтеграция, дезинформация, дезинсекция, дезодорация, дезорганизатор.**

De- риставкаси ҳам, худди бошқа инкор приставкалари сингари, ҳар доим инкор маъноли сўзлар ясалишига хизмат қилавермайди. Бу ҳолни луғатларда қайд



этилган қатор ясама сўзлар мисолида кўриш мумкин. Масалан: *debatieren* – дебатировать; *Debatte f* – дебаты; *Debet n* – дебет; *Debitor m* – дебитор; *Debütant m* – дебютант; *Degustator m* – дегустатор; *Deklamation m* – декламация; *Dekarateur m* – декоратор; *Dekret n* – декрет; *Delikt n* (юр)– деликт; *Demograph m* – демограф; *Demokrat m* – демократ; *Demonstrant m* – демонстрант; *Depot m* – депо; *deponieren* – депонировать (*hinterlegen*); *Depression f* – депрессия; *Deputierte m* – депутат; *Dermatin n* – дерматин (*Kunstleder*); *Defekt m* – дефект; *Defezit n* – дефецит.

Re- приставкасига оид маъноларни биз немисча-русча ва русча-немисча луғатларда учратмадик. Қисқа маълумот «Словарь иностранных слов» луғатида берилган, боиси ушбу приставка рус ва бошқа тилларда истеъмолда бўлган, чет тиллардан кирган ёки интернационал сўзларда кўринади.

Қайд этилишича, **re-** приставкаси ҳам инкорни ифодаловчи воситалар сирасига мансуб бўлса-да, у тўлиқ (умумий) инкорни ифодаловчи баъзи приставкалардан (масалан: **a-, ir-, ent-, de-** каби) фарқли равишда кўп ҳолларда қисман инкорни ифодаляди

(*реконструкция, реформа, репродукция, реорганизация*).

Ҳозирги замонда бир қатор хорижий тиллар (инглиз, француз, немис ва бошқа) да, шу жумладан, туркий тилларда қўлланиб келинаётган интернационал сўзлар таркибидаги **ре-** олд қўшимчаси аслида латин тилидан олинган бўлиб, турли маъноларни ифодалашга хизмат қилиб келмоқда.

Инкор маъносини ифодаловчи ясама сўзларни тилнинг лексик сатҳи доирасида ўрганиш, тасниф ва таҳлил қилиш ҳозирга қадар махсус тадқиқот объекти (мавзуси) бўлмаганлигини таъкидлаш лозим. Ушбу мавзу чуқур ўрганилса, ҳозирги кунда мавжуд синоним, антоним, омоним сўзлар луғатлари каби, инкор сўзлар луғатини тузишга бир туртки (асос) бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Албатта, приставкалар воситасида ҳосил бўлган сўзлар (лексемалар) маъноси, турли функцияларни бажариши, стилистик нуқтаи назардан қўлланилиши жиҳатидан грамматик категориялардан фарқ қилади. Юқорида таҳлил қилинган приставкалардан қўлланилиши ва маҳсулдорлиги нуқтаи назардан **a-** приставкаси бошқаларидан ажралиб туради.

Адабиётлар

1. «Словарь иностранных слов». Под редакцией И.В.Лёхина и проф. Ф.Н.Петрова. Издание пятое, стереотипное. Изд-во иностранных и национальных словарей. -Москва – 1955, 553 стр.
2. «Русско-немецкий словарь». Под редакцией Е.И.Лепинга, Н.П.Страховой, К.Лейна и Ф.Эккерта. Изд. девятое, стереотипное, -Москва «Русский язык», 1983, 848 стр.
3. О.Жуманиёзов. «Ўзбек тилидаги герман тиллари ўзлашмалари». Тошкент-1987й.
4. Саидов С. «Немис тили грамматикаси намуналарда», -Тошкент. 1990 й.
5. Булах Н.А. «Средства отрицания в немецком литературном языке», Ярославль. Ученые записки, вып. LVII, ЯГПИ, 1962, 336 с.
6. Паномарева. «Отрицание в немецком языке». М. Просвещение, 1983, 64 с.
7. Duden. Grammatik der deutschen Gegenwartssprache. Mannheim, Leipzig, Wien, Zürich. Duden-Verlag, 1998, 912 S.
8. Hartung W. Die Negation in der deutschen Gegenwartssprache. Leipzig, Verlag-Enzyklopädie, 1971, 241-251 S.



9. Шендельс Е.И. «Практическая грамматика немецкого языка». 3-е издание, исправленное, М., «Высшая школа», 1988, 274-284 с.

Нурмухамедов А., Хасанов А. Интернациональные средства выражения отрицания. Данная статья посвящена исследованию способов образования производных слов с отрицательной семантикой. Известно, что в образовании отрицательных слов используются аффиксы двух типов, т.е. собственно немецкие и интернациональные аффиксы. Поэтому они исследуются в отдельности.

Nurmukhamedov A., Khasanov A. International words expressing refusal. This article is dedicated to the formulation of words with negative meaning. It is known that there are 2 types of suffixes in word forming in the German language: native German and International suffixes. That is why they are researched separately.
